O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 21 сентябрь, № 186 (4085) Пайшанба

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФАРҒОНА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 20 сентябрь куни Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона шаҳрида барпо этилган савдо мажмуини бориб кўрди. Бу ерда тўрт юздан ортиқ савдо дўкони бўлиб, харидорлар, кичик бизнес вакиллари ва тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Президент ушбу мажмуа ишини янада такомиллаштириш, замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 9 ноябрда қабул қилинган "Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига биноан шу кунларда мазкур шаҳар тўйига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Юртбошимиз Марғилон шаҳрида бўлиб, юбилейга тайёргарлик ишлари билан танишди.

Бугун Марғилон шаҳрида бўлган киши бу ерда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг гувоҳи бўлади. Айни пайтда шаҳардаги 35 та иншоотда қурилиш, реконструкция ва ободонлаштириш ишлари жадал давом этаётир. Улар орасида Пир Сиддиқ мажмуаси, Улуғмозор зиёратгоҳи, Жаҳон отин Увайсий мақбараси ва музейи, Саид Аҳмад Хожа Эшон мадрасаси бор. Бу ерда ёшлар учун ўзига хос кўриниш ва қулайликларга эга "Ёшлар хиёбони" бунёд этилмоқда. Шаҳар марказидаги шоҳбекатни қайта қуриш, Мустақиллик, Туркистон, Навоий, Марғиноний ва Ал-Фарғоний кўчаларини капитал таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида Узунҳовуз маҳалласида сув тармоғини қуриш, Ёвқочар маҳалла ҳудудидаги магистрал газ тармоғини ҳалқалаштириш, ичимлик сув тармоқларини капитал таъмирлаш, электр энергияси таъминотини янада яхшилаш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Ипакчилар шаҳарчасининг "Турон шойиси" корхонаси ҳудудида замонавий савдо мажмуаси барпо этилмоқда. Шаҳарчани темир йўл мавзеси билан боғловчи автомобиль йўли қурилиши давом этмоқда.

— Икки минг йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрилаётган Марғилон шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш билан бирга, бу ерда яшайдиган аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга хизмат қиладиган янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур, — деб таъкидлади Ислом Каримов.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳалари каби таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ният мужассам. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ бу йил Фарғона вилоятида 85 та умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди ва таъмирланди. Иккита янги мактаб бунёд этилди. Жумладан, Марғилон шаҳрида салкам минг ўринли замонавий мактаб қуриб битказилди. Лекин асосий мақсад таълим масканларининг ташқи қиёфасини ўзгартириш, уларнинг шароитини яхшилашдан иборат эмас, балки уларда олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдан, ҳар жиҳатдан камолга етган баркамол авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Президентимиз Марғилон шаҳрида қад ростлаган янги тиббиёт коллежида бўлиб, мазкур таълим маскани ўқувчилари ва педагоглари билан суҳбатлашди. Бундай таълим масканларида, аввало, таълим мазмуни ва маънавий томонларига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, тиббиёт коллежи билан поликлиниканинг бир жойда жойлашгани амалиёт нуқтаи назаридан мақбул бўлса-да, аҳоли ва ўқувчилар учун муайян ноқулайликлар келтириб чиқариши мумкин. Шу боис поликлиникани коллеждан ажратиш лозим.

— Коллежда ўқувчиларнинг ўқиши, дам олиши замон талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун бу ерда ётоқхона ҳам бўлиши зарур, — деди давлатимиз раҳбари. — Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан асосий мақсадимиз — фарзандларимизнинг мукаммал таълим-тарбия олишлари, ўз соҳасининг етук мутахассислари бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Юртбошимиз Марғилонда яқинда қурилиши ниҳоясига етган қирқдан ортиқ оилага мўлжалланган шинам уйларни кўздан кечирди. Хонадонларда яратилган қулай шароитлар билан танишиш чоғида кишиларнинг руҳини кўтарадиган, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бундай амалий ва хайрли ишларни янада кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар мужассам. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, ислоҳот — ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун эканлиги амалда ўз исботини топмоқда. Фарғона вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳам бу фикрни яққол исботлаб турибди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Масъуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Долзарб мавзу

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш, уларга ёрдам кўрсатишнинг изчил механизми яратилмоқда. Аҳоли ҳаётининг турли жиҳатларини ўз ичига қамраб олган давлат дастурлари бу йўналишдаги муҳим ҳужжатдир. Давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган "2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори соҳадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга, самарасини кучайтиришга хизмат қилади.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА КАФОЛАТЛАНАДИ

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояси борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш вазирлигимиз фаолиятининг асосини ташкил этади, — дейди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ижтимоий ёрдам ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Алишер ИНОҚОВ. — Хусусан, ўтган вақт мобайнида пенсионер ва ногиронлар, кам таъминланган оилалар, вояга етмаган фарзанди бор оилаларга мунтазам ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзгалар кўмагига муҳтож ёлғиз кексаларнинг ижтимоий таъминоти, ногиронларни реабилитация қилиш масалалари бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. 2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастурининг асосий мақсади эса юқоридаги фикримизнинг далили. Яъни, аҳолининг ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш орқали уларнинг муҳофазасини янада кафолатлашдир.

Суҳбатдошимиз таъкидлаганидек, мазкур Дастур ўрта муддатли (тўрт йил) бўлиб, у 30 та чора-тадбирни ўз ичига олган 3 та асосий йўналишдан иборат.

Хусусан, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини кучайтириш бўйича ёлғизларга реабилитация техник воситалари (ногирон аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса, қўлтиқ-таёқлар, "ходуноклар" ва ҳоказо)ни бериш, ижара пунктларини ташкил этиш мўлжалланган. Бу мавжуд эҳтиёжларга қараб, республикамизнинг 136 та туманида амалга оширилади. Аҳамиятли томони шундаки, айрим хонадонлар реабилитация

(Давоми 2-бетда).

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сайдакмал Сайдаминов Деҳлида Ҳиндистон Республикаси Президенти Авул Пакир Жайнулабиддин Абдул Каламга ишонч ёрлиқларини топширди.

Маросим якунида бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ҳиндистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатлар даражасига юқори баҳо берган ҳолда Ўзбекистон Ҳиндистон ташқи сиёсатида алоҳида ўрин тутишини қайд этди.

Ҳиндистон етакчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил апрелида Ҳиндистонга буюрган ташрифи ҳамда ушбу мамлакат Бош вазири М.Сингхнинг жорий йил апрель ойида юртимизга амалга оширган ташрифи давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар жадал суръатда ривожланаётганидан далолат беришини таъкидлади. Шу ўринда Ҳиндистон Президенти Деҳлида Ислом Каримов билан бўлиб ўтган ва икки томонлама муносабатлар ҳамда халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари муҳокама этилган учрашувни мамнуният билан ёдга олди

«Жаҳон» АА.
Деҳли

Марказий банк Банкларни давлат рўйхатига олиш дафтари, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга берилган лицензиялар реестрини юритади";

5) **51-модданинг**:

биринчи қисми учинчи хатбошиси "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "ва микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисми:

иккинчи хатбошиси "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги "ва кредит уюшмаларининг" деган сўзлар "кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотларининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошиси "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўнинчи хатбошиси "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "ва микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **53-модданинг тўртинчи қисми** "Кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 20 сентябрь
№ ЎРҚ — 54

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Микрокредит ташкилотлари тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

Қирқиш чизиғи

Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари талаблари, шу жумладан лицензия талаблари ва шартлари бузилганда;

микрокредит ташкилотининг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар мазкур ташкилот томонидан бажарилмаганда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

микрокредит ташкилоти тўловга қобилиятсиз бўлганда;

ҳисобот маълумотлари мунтазам равишда бузиб кўрсатилганда;

микрокредитлар бериш бўйича фаолиятни амалга ошириш лицензия берилган пайтдан эътиборан олти ойдан ортиқ муддатга кечикканда.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қабул қилиниши мумкин.

Лицензиянинг сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланган тақдирда, у бекор қилинади.

13-модда. Микрокредит ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар

Микрокредит ташкилоти қуйидаги турлардаги микромолиявий хизматлар кўрсатиши мумкин:

Буклаш чизиғи

микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш;

қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг);

микрокредит ташкилоти лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг (молия ижараси);

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан истеъмол кредитлари бериш.

Микрокредит ташкилоти микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти қарз мажбуриятларини чиқаришга ҳамда юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар (депозитлар) қабул қилишга ҳақли эмас.

14-модда. Микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларнинг манбалари

Микрокредит ташкилоти қуйидагилар ҳисобидан микромолиявий хизматлар кўрсатади:

ўз маблағлари, шу жумладан олган даромадлари;

инвесторлар, шу жумладан чет эллик инвесторлар томонидан инвестиция шартномалари асосида берилган маблағлар;

банкларнинг кредитлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари;

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

Истиқлолимизнинг ўтган ўн беш йили давомида Ўзбекистон таркибидаги парламент бошқарув шаклига эга бўлган суверен демократик республика — Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий турмушида асрларга татигулик ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик туфайли, Президент Ислом Каримовнинг алоҳида эътибори, ғамхўрлиги боис бу ўлка хазиналар сандиғига калит солинди. Бу, энг аввало, озод юртнинг иқтисодий устунларидан бирига айланиб бораётган Уст-Юрт кенглигига тегишлидир.

УСТ-ЮРТ ХАЗИНАСИ

Шаркда Орол денгизи ва Амударё ҳавзаси, ғарбда Манғишлоқ ярим ороли ва Қорабўғозгўл қўлтиғи, шимолда Каспийбўйи паст-текислигида жойлашган бу маскан наинки Ўзбекистон, балки Қозоғистон ва Туркманистон давлатларининг иқтисодий истиқболида ҳам муҳим ўрин тутади. Устюртнинг иқтисодий харитасига қарасангиз, унинг шимолидаги «Қувониш», марказидаги «Оқшўлоқ», «Кўкшўлоқ» ва «Қорашўлоқ», «Урга», ғарбидаги «Шахпахти» табиий газ, битмас-туганмас «Борсакелмас» ҳамда «Қораумбет» ош тузи, «Тумруқ» сульфат тузи ва бошқа ўнлаб конларга кўзингиз тушади.

Уст-юрт-Мўйноқ-Сариқамиш истиқболли иқтисодий ҳудудига бўлган жиддий эътибор 1989 йилнинг ёзидан бошланган эди. Юртбошимиз республика раҳбари бўлиб сайланганидан бир ҳафта ўтгач бу ҳудудга шахсан келиб, балиқчилар, геологлар, кончилар ҳаёти билан танишдилар. Аслида қорақалпоқ диёрининг чап соҳили хонлар, ўнг соҳили чор ҳукумати қўл остида бўлганини, Хива тахти ҳам, Романовлар ҳукмронлиги ҳам барҳам топганидан кейинги 15 йил давомида аввал Туркистон Республикаси, кейин Хоразм халқ республикаси, сўнгра Қозоғистон, ундан сўнг Россия Федерацияси таркибидаги бўлганлигини қариялар яхши эслашади. 1936 йилнинг декабрида ўзбек ва қорақалпоқ халқлари бир давлатга бирлашиб, энг қийин дамларни бир тану бир жон бўлиб бошдан кечирдилар. Аммо 1989 йилнинг ёз палласида Ўзбекистоннинг янги раҳбари Мўйноққа, денгиз соҳилига, Уст-Юрт заминига қўйган пойқадами бутунлай ўзгача эди. Ул зот, энг аввало, мўйноқликлар ва устюртликларнинг сиҳати билан, сифатли ичимлик сув борйўқлиги билан қизикди. Биринчи навбатда чўл ва денгиз заҳматкашларига сифатли озиқ-овқат, тоза сув етказиб бериш юзасидан топшириқ бердилар. Қўнғиротдан Мўйноққа, Қозоқдарёга, Жасликқа олиб борадиган йўлларни кенг ва равон қилиш, саҳро сандиқларига калит солиш бўйича тавсиялар илгари сурилди.

Бугун — истиқлолнинг ўн олтинчи йилида ўз ҳудудимиздан «Тошкент-Нукус» йўналишидаги йўловчи ва юк поездлари бемалол ҳаракат қилмоқда, «Мискин — Тошсоқа», «Нукус-Хўжайли» дарё кўприклари шу эл одамлари хизматида. «Қўнғирот-Бейнеу» қитъаларо йўлининг асосий қисми қуриб бўлинди. Буларнинг барчасида мустақил мамлакатимиз қудратини кўраяпмиз. Ва бу кенг қамровли, эзгу, тарихий ишларнинг бошида ўзини наинки ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди деб ҳисоблайдиган муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов турибдилар. Ўтган йил пахта сотиш режаси бажарилиши муносабати билан Юртбоши қорақалпоғистонлик меҳнаткашларга йўллаган самимий сўзлар бугун белига этак боғлаган 200 минг нафардан ортиқ теримчига кучқувват бўлмоқда. Қорақалпоғистоннинг бу галги «оқ олтин» хирмони ҳам чакки бўлмайди.

Айни чоғда Уст-Юрт заминида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакат қудратини янада оширишга асос бўладиган улуғвор ишлар қулоч ёймоқда. Уст-Юрт замини, Мўйноқ ярим ороли ва Орол денгизи акваторияси ўн учта сармоявий ҳудудга бўлиниб, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, шунингдек Россия Федерациясининг «Газпром» ва «Лукойл», Жанубий Кореянинг «KNOC», Хитой Халқ Республикасининг «CNPC», Малайзиянинг «Петронас» компаниялари томонидан углеводород захиралари ўзлаштирилиши режалаштирилмоқда. Устюртда мустақил мамлакатимизнинг ўз табиий бойликларини ўзлаштириш борасидаги куч-қуввати ҳам намоён бўлмоқда. Чунки «Сургил», «Шимолий Орол», «Бердақ», «Шарқий Бердақ», «Учсой», «Шағирлик», «Шимолий Бердақ» табиий газ конлари айнан «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси томонидан ўзлаштирилмоқда. «Қувониш», «Шахпахти», «Урга» конларида «Газпром»нинг сармоясидан фойдаланилса, «Шеге» конида «Лукойл» имкониятлари бўй кўрсатади. Денгиз акваториясида эса хитойлик, кореялик ва малайзиялик ҳамкорлар иш бошлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 апрель кунги 321-сонли қарори Устюрт тарихида янги босқични бошлаб берди. Қарорга биноан Сургил мавзесида Жанубий Корея билан ҳамкорликда йилига 150 минг тонна полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарадиган улкан кимё мажмуаси қурилади. Лойиҳа-смета қиймати деярли 1 миллиард АҚШ доллари бўладиган бу мажмуа мустақил мамлакат кимё саноатининг яна бир устунига айланади. Қорақалпоғистон диёрида режалаштирилаётган бундай лойиҳалар битта эмас. Энг асосийси, истиқлол берган имконлар мустақил Ўзбекистоннинг ажралмас бўлаги ҳисобланган суверен Қорақалпоғистон мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда, истиқлолимизнинг пойдевори ниҳоятда мустаҳкам эканлигини кўрсатмоқда!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА КАФОЛАТЛАНАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

техник воситаларини оилавий бюджетдаги тақчилликлар туфайли ололмасликлари мумкин. Ана шундай ҳолатда ижара пунктлари уларнинг оғирини енгил қилади. Демак, ортиқча сансалорликсиз, ортиқча маблағсиз муаммо ўз жойида ҳал этилади.

— Кўпчилик ёлғиз кексалар ва ногиронлар атрофдагиларнинг эътиборига, парваришига муҳтож бўлади. Бирон нарса билан машғул бўлмаган қария эса, табиийки, ҳаётда ўзини ёлғиз, бировга кераксиз ҳис этади. Шу боис, ёлғиз кексаларни ўз уйларида ижтимоий хизмат билан тўлиқ қамраб олиш зарур. Қолаверса, бу хайрли ишларга ишсиз юрган фуқароларни жалб этиш ҳамда уларга ҳақ тўлашни йўлга қўйиш мумкин-ку?

Маълумки, аҳоли ижтимоий муҳофазаси деганда, аввало, ижтимоий талаблар тушунилади. Айни шу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2007 йилдан бошлаб Тошкент шаҳрида ҳаракатланишда қийналаётган ёлғизларнинг ижтимоий талабларини қондириш мақсадида уларга транспорт хизматларини кўрсатиш назарда тутилган. Тажриба учун Тошкент вилоятида ижтимоий хизмат кўрсатувчи сафарбар гуруҳлар ва "Саховат" автобусини ташкил қилиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Шунингдек, ёлғиз кексаларга якка тартибдаги ижтимоий хизмат кўрсатишни кучайтириш мақсадида Қашқадарё вилоятида 2 та "кичик ҳажмдаги уйлар", Самарқанд шаҳрида ўзгалар парваришига муҳтож 100 нафар ёлғизни уй шароитларида соғломлаштириш мақсадида "уйда сиҳатгоҳ" лойиҳаси ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда.

— Дастурдаги муҳим йўналишлардан бири ёлғиз кексаларни даволаш, соғломлаштириш, уларга геронтологик ва гериатрик ёрдамни кучайтиришдир, — дейди А. Иноқов. — Унга кўра, рўйхатдаги 30 минг ана шундай кишилар диспансер кўрикдан тўлиқ ўтказилади. Кўрик пайтида хасталиги аниқланган беморлар стационар, амбулатор ва уй шароитларида мақсадли даволанади. Муҳтож ногиронлар эса доридармон билан бюджет ва ҳомий маблағлари ҳисобидан бепул таъминланади.

Мазкур йўналишда бажарилиши лозим бўлган иш кам эмас. Ҳар йили камида 200 нафардан катаракта асоратларидан кўзи ожиз ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга сунъий кўз гавҳари қўйиш йўли билан реабилитация қилинади. 1100 нафаргача ёлғизлар санаторийларда бепул соғломлаштирилади. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар тиш протезлари ва оптик кўзойнаклар билан бепул таъминланмоқда. Бундан ташқари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун "Тахиатош" сиҳатгоҳида янги даволаш бўлими қурилишини амалга ошириш, Самарқанд вилоятидаги "Марварид" сиҳатгоҳини уруш ва меҳнат фахрийлари сиҳатгоҳига айлантириш борасида лойиҳалар тузилмоқда. Ушбу масканда ҳар йили 1300 нафар уруш ва меҳнат фахрийсини соғломлаштириш мўлжалланаётир.

Дастурдаги аҳамиятга эга бўлган йўналиш — уй-жой, маиший шароитларни яхшилашдан иборат. Эндиликда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар уйлари ва хонадонларини таъмирлаб бериш режалаштирилган. Шунингдек, "Саховат" ва "Мурувват" уйлари ҳам белгиланган нормативларга биноан қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, реабилитация анжомлари билан таъминланади.

Шу ўринда яна бир гап. Суҳбатдошимиз Дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ижроси учун жами 30144,3 млн. сўм ажратиш режалаштирилганини, улардан 14282,1 млн. сўми (режанинг 47,4 фоизи) бюджет маблағлари, 15862,2 млн. сўми (52,6 фоизи) эса идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағлари ҳисобидан эканлигини таъкидлаб ўтди. Айни пайтда Дастур ижроси бўйича юқорида зикр этилган ишларни тўлақонли рўёбга чиқаришда вазирликлар, ҳокимиятлар, давлат ва нодавлат идоралари, жамғармалар, жамоат ташкилотлари, муассасалар ва ҳомийлар фаолиятини мувофиқлаштириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, амалга оширилаётган ишларнинг самарасини янада оширади ва аҳоли ижтимоий муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

Зиёда АШУРОВА.

Интернет — марафон

Интернет — бугунги кунда мактаб ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Фикримизни тўрт ой давомида Фарғона вилоятининг барча мактаб, коллеж, лицейларида ёшлар ўртасида Интернет — марафон мусобақалари ўтказилгани, 400 дан зиёд ўқувчи, талаба, ўқитувчилар унда қатнашиш истагини билдиргани ҳам исботлаб турибди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТнинг «Ўзбекистонда Интернет технологиялар ривожланишига имконият яратиш ва тарқатиш» лойиҳаси жамоалари марафон ташкилотчилари бўлишди.

Марафонда беш йўналиш бўйича ғолиблик учун кураш олиб борилди. Ҳар бир йўналишда қатнашчиларнинг иқтидорлари, ижодий кўникмаларининг ривожланиши, тенгдошлари билан ахборот алмашиш қобилиятлари талабчан ҳакамлар томонидан синовдан ўтказилди. Учқўприк туманидаги 28 мактабнинг 7-синф ўқувчиси Дамир Симашев, шу мактабнинг математика ва информатика фани ўқитувчиси Омина Латинова, Фарғона шаҳридаги 40-мактаб ўқувчиси Нурали Амиров, Фарғона шаҳридаги 2 ва Марғилон шаҳридаги 9-мактаб ўқувчилари Инна Усмонова, Татьяна Дячун, Абдусамад Хожихоновлар ғолиб деб топилди.

Марафон ғолиблари дипломлар, эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Улар сентябрь ойининг охирида Тошкент шаҳрида ўтказиладиган «ИнфоКом-2006» ахборот технологиялари миллий кўргазмасида иштирок этиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

Нобижон СОБИР
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида журналистлар малакасини ошириш бўйича махсус ўқув курси бошланди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЎҚУВИ

Ўқув машғулотларида таъкидланганидек, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, соҳада демократик тамойилларни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базаси шакллантирилди.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёнининг юксак натижалар беришида, фуқароларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлашда журналистнинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли мазкур ўқув курси юртимизда кечаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарадорлигига эришишда журналистларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларни замонавий билим ва малака, илғор тажрибалар билан таништиришга қаратилган.

— Ўқув машғулотларида эскича қараш ва ёндашувлар билан янгича ҳаётни барпо этиб бўлмаслиги тўғрисидаги муҳим концептуал ғояга алоҳида диққат-эътибор қаратилаётгани, айниқса, эътиборга молик, — дейди Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Ғафур Жамолов. — Бунда ўқувнинг ноанъанавий йўллари — маъруза-мунозара, баҳс, суҳбат, интерактив усуллардан фойдаланилаётгани яхши самара бермоқда.

Беш кун давом этадиган ўқув курсида юртимиз, шунингдек, хорижий мамлакатлар сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги ахборотлари билан аҳолини тезкор ва тўлақонли таъминлашни янада яхшилашга оид масалалар муҳокама этилади. Мамлакатимиз манфаатлари ва хавфсизлиги, мустақиллик ва Конституция ҳимояси учун ҳар бир журналистда масъуллик туйғусини шакллантиришга, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараларини кенг тарғиб қилиш журналистлар олдида турган энг долзарб вазифалардан эканлигига алоҳида эътибор қаратилади.

(ЎзА).

Ҳаммаси манфаатдорликка боғлиқ

Қўрғонтепа туманидаги "Савай" наслчилик мажмуасида 630 дан ортиқ қорамол боқиларди. Бироқ, ишнинг тўғри ташкил қилинмагани боис сўнгги вақтларда бу ерда қорамоллар маҳсулдорлиги кескин камайиб кетиб, чорвадорларнинг манфаатдорлиги ҳам бир аҳволга тушиб қолди.

Яқинда "Музимпекс" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси ана шу мажмуа "кимошди" савдоси орқали сотиб олди. Чорвага эътибор кучайтирилгани туфайли орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қорамоллар сони 105 бошга кўпайди. Маҳсулдорлик ортди. Муҳими, чорвадорларнинг ойлик маоши 75-150 минг сўмгача кўтарилди. Манфаатдорликнинг бундай юқорилаши иш сифатининг ҳам яхшиланишига олиб келди.

Айни кунларда чорвадорлар 400 гектар ерда ўстирилган беда, маккажўхоридан чорва озуқаси жамғариш учун астойдил меҳнат қилишмоқда.

СУРАТДА: механизатор Авазбек Нурматов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Келажак овози – 2006» танловининг вилоят босқичи якунланди

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози-2006» республика танловининг вилоят босқичи якунига етди. Унда хоразмлик 600 нафардан ортиқ иқтидорли ёшлар ўз қобилиятларини синаб кўрдилар. 18 нафар ёшлар бадиий ва амалий санъат, ахборот ва коммуникация технологиялари, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, архитектура ва дизайн, ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар, бадиий ижод каби турли йўналишлар бўйича ғолиб деб топилди. Улар танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

Урганч Давлат университети маданият саройида танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари ёш истеъдодларга ижодий муваффақиятлар тиладилар.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Микрокредит ташкилотлари тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 августда маъқулланган

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

микрокредит ташкилотининг устав фонди шакланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати.

11-модда. Лицензия беришни рад этиш

Тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга номувофиқ бўлган ва тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки микрокредит ташкилотига лицензия беришни рад этиши мумкин.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор буюртма берувчига рад этиш сабаблари ҳамда буюртма берувчи мазкур сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайтадан кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади.

Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

12-модда. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

микрокредит ташкилоти томонидан ушбу

Буклаш чизиғи

халқаро молия институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шу жумладан чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг грантлари ва қарз маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишга доир ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий тизимнинг барқарорлигини сақлаш, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ микрокредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солишни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда:

микрокредит ташкилотлари устав фондининг энг кам миқдорини ҳамда молиявий ва касса операциялари ўтказишнинг, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритишнинг мазкур ташкилотлар учун мажбурий бўлган қоидаларини белгилайди;

микрокредит ташкилотларининг фаолияти-

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

рат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш";

2) **17-модданинг еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилари** "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **VIII бўлимнинг номи** "кредит уюшмалари" деган сўзлардан кейин "микрокредит ташкилотлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) **50-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"50-модда. Банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифалар

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлигини сақлаб туриш, омонатчилар, қарз олувчилар ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади.

Марказий банк банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олади, шунингдек банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беради, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, гаровхоналар фаолиятини ва қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялайди.

Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатга олиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарга лицензиялар бериш ҳақ эвазига, Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш ҳақ эвазига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Берилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

“Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 17 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”**ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарни назо-

2

Буклаш чизиғи

нинг микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Микрокредит ташкилоти

Микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва ушбу Қонунга мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс микрокредит ташкилотидир.

Микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақли.

Микрокредит ташкилоти ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

4-модда. Микрокредит ташкилотларини ташкил этиш

Микрокредит ташкилотлари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

Микрокредит ташкилотлари давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва диний ташкилотлар томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

3

Қирқиш чизиғи

ларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

9-модда. Микрокредит ташкилоти фаолиятини лицензиялаш

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда микрокредит ташкилоти микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини лицензия олганидан кейин амалга оширади.

Микрокредит ташкилотига лицензия бериш тўғрисидаги ёки лицензия беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилинган ва лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз календарь кун ичида қабул қилинади.

10-модда. Лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

Микрокредит ташкилоти лицензия олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

лицензия бериш ҳақидаги ариза;

микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатлари;

микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси;

микрокредит ташкилоти бошқарув органла-

6

Буклаш чизиғи

ни текширади ва уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этишга оид бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

микрокредит ташкилоти ижро этувчи органи раҳбарининг малакасига доир талабларни белгилайди;

микрокредит ташкилоти томонидан айрим молиявий операциялар ўтказишни уч ойгача бўлган муддатга чеклайди;

микрокредит ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туради, тугатади ёки лицензияни бекор қилади.

16-модда. Микрокредит ташкилотининг филиаллари

Микрокредит ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ҳақли.

Микрокредит ташкилотининг филиали ўз фаолиятини микрокредит ташкилоти учун берилган лицензия асосида амалга оширади.

17-модда. Микрокредит ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш

Микрокредит ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

18-модда. Низоларни ҳал этиш

Микрокредит ташкилотларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги низолар қонун

11

Вақтинчалик бош вазир тайинланди

Сешанба куни кечаси Таиландда давлат тўнтариши амалга оширилди. Ҳарбийлар мамлакат пойтахтига катта миқдордаги қўшин ва зирҳли техникани олиб кириб, ҳукумат биноси, телемарказ ва бошқа стратегик объектларни эгаллаб олди. Ҳозир мамлакатда «Сиёсий ислоҳотлар бўйича кенгаш» тузилган бўлиб, у 20 сентябрни дам олиш куни деб эълон қилди. Мамлакат ҳудудида ҳарбий ҳолат жорий этилди, деб хабар беради AFP агентлиги. Кеча тўнтариш ташкилотчилари генерал Сонтхи Бунияратглинни вақтинча бош вазир вазифасини бажарувчи деб эълон қилишди. Улар мамлакатда катта обрўга эга бўлган Таиланд қироли Пумипоном Адулядет билан учрашганини таъкидлашмоқда. Аммо қиролнинг ўзи ҳали бирор-бир баёнот бермади.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Радиостанция — намойиш сабабчиси

Венгрия пойтахтида юз берган оммавий тартибсизликлар пайтида камида 150 кишига оғир шикаст етди. Agency France Press агентлиги хабарида айтилишича, намойиш қатнашчилари полиция кучлари билан тўқнашувлар пайтида жароҳат олган. Будапешт кўчаларига чиққан ўн минглаб намойишчилар Венгрия бош вазири Ференц Дюрчаннинг истеъфо беришини талаб қилмоқда.



Норозиликлар радиостанциялардан бири эфирда ҳукуматнинг ёпиқ мажлиси ёзувларини эълон қилганидан сўнг бошланиб кетди. Бу тартибсизликлар 1989 йилда Венгрияда коммунистик ҳукумат ағдарилганидан буён юз берган энг оммавий намойиш бўлди, дейилади хабарда.

Бош котибнинг сўнгги чиқиши

БМТ бош котиби Кофе Аннан сешанба куни мазкур халқаро ташкилотнинг бош котиби сифатида сўнгги бор чиқиш қилди. БМТ ассамблеясидаги 90 дақиқалик маърузасида Аннан асосий эътиборни Яқин Шарқ можаросига қаратди. Исроил-Фаластин зиддияти жаҳон тинчлигига таҳдид солиб турган асосий можаролардан бири эканини таъкидлади.

Шунингдек, Бош ассамблеяда чиқиш қилган Франция президенти Жак Ширак ҳам Исроил-Фаластин зиддияти ҳақида нутқ сўзлади. Жак Ширак “Яқин Шарқ тўртлиги” — БМТ, Европа Иттифоқи, Россия ва АҚШ иштирокида халқаро анжуман ўтказилишини тилга олди.

Асосий судья четлатилди

Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн ишини кўраётган трибуналнинг бош судьяси Абдуллоҳ ал-Амирий мамлакат бош прокурори Мункит ал-Фарун талаби билан эгаллаб турган лавозимидан четлатилди. Бош прокурорнинг фикрича, ал-Амирий судланувчига нисбатан раҳмдиллик қилаяпти. Саддам Ҳусайн ва Ироқ ҳукуматининг 6 нафар амалдорлари иши бўйича суд жараёни жорий йилнинг 21 августида бошланган эди. Улар оммавий қотиллик ва курд аҳолисини депортация қилишда айбланмоқда. Бу Саддам Ҳусайн устидан олиб борилаётган иккинчи трибуналдир.

Қисқа сатрларда



Ер орбитасида ўз ишини якунлаётган ва қўнишга шайланаётган АҚШнинг Atlantis шаттли атрофида қандайдир жисм учиб юргани маълум бўлди. NASA вакилининг сўзларига кўра, бу фазо кемасининг бир қисми бўлиши ва у 2003 йилдаги каби ҳалокатга олиб келиши мумкин. Шу боис, Atlantisнинг қўниш муддати кечиктирилди.

* * *

Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос Исроил ташқи ишлар вазири Ципи Ливни билан учрашди. Учрашув чоғида у Мухториятда янгитдан шакллантирилаётган ҳукумат ўз ишини бошлаши биланоқ Исроил давлатини тан олишини таъкидлади.

* * *

Россия Грузия ҳудудидаги ҳарбий базасини олиб чиқишни ниҳоясига етказди.

Россиянинг Кавказортидаги қўшинлар гуруҳи бош қўмондони Андрей Поповнинг айтишича, 2006 йилга мўлжалланган чиқиш режаси тўлиқ амалга оширилди. Маълумотларга кўра, Ахалкалака базасида фақат автомобиль техникаси қолди ва у 2007 йил охиригача — база ёпилгунича ўша ерда қолади.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (краналар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

Таҳлил. Тажриба. Ташаббус

Бугунги кунда банк тизими мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда, фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёйишида ва жойларда тегишли инфратузилмаларни кенгайтиришда ўзига хос ютуқларга эришмоқда. «Халқ банки»нинг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи Сойибжон Марипов билан суҳбатимиз шу хусусда.

МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ

«Халқ банки» салоҳиятини оширмоқда, нуфузини мустаҳкамламоқда.

— Вилоятимизнинг барча ҳудудларида бошқармамизнинг 200 дан ортиқ филиали, мини банки, шохобча ва махсус кассалари фаолият кўрсатмоқда, — деди у. — Айниқса, уларда янги хизмат турлари амалиётга татбиқ этилиши кичик бизнес намояндалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркорлар, энг асосийси, кўп минг сонли аҳолининг банкимизга ишончини тобора оширмоқда.

— **Банкнинг молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли вилоятимизда бир нечта янги корхона ташкил этилиб, улар хорижнинг илғор технологиялари билан жиҳозланди. Натижада минглаб янги иш ўринлари яратилди. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳар бир субъект ўз фаолиятини бошлашдан олдин молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож. Сармоя қўлга киритилгач эса, ундан оқилона фойдаланилса, иш албатта ривожланади. Шуни ҳисобга олиб, банкимиз жорий йилнинг ўтган даврида 100 га яқин хўжалик юритувчи субъектларга ёрдам қўлини чўзиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлади. Шулардан бири — Хўжаободдаги «АС-ФАЙЗ» хусусий корхонаси. Банк томонидан ажратилган кредит эвазига бу ерда салкам 60 та янги иш ўрни очилди. Ҳозирда ушбу корхона барқарор фаолият юритмоқда. Қўрғонтепадаги «Қўрғонтепа-Донс» кўп тармоқли хусусий корхонаси ҳақида ҳам шундай илиқ гапларни айтиш мумкин.

Умуман олганда, вилоятдаги филиалларимиз ўз маблағлари ҳисобига кичик бизнес намояндаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига қисқа муддатда 500 млн. сўмга яқин кредитни йўналтирди. Натижада улар ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлабгина қолмасдан, балки икки юз нафар кишини иш билан банд этди.

Буларнинг ҳаммаси жамоамизни қувонтиради, албатта. Шуни алоҳида эътироф этишни истардимки, жорий йилда банкимиз филиалларининг кредит портфели қарийб 3 млрд. сўмга ўсди. Ҳозирда хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга ажратилган микро кредитлар миқдори эса жами 5 млрд. сўмга яқинлашиб қолди.

— **Ҳукуматнинг аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, айниқса, кам таъминланган оилаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ғамхўрликлари кўнгилларга ёруғлик солади. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли қарори талаблари банк томонидан қандай ижро этилмоқда?**

— Маълумки, қишлоқ жойларда яшовчи фуқароларнинг аксарияти чорвачилик билан шуғулланади. Ахир чорва — қут-барака хазинаси-да. Шу маънода, бу тармоқни янада ривожлантириш, ушбу йўналишда аҳолини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилгани эса нур устига аъло нур бўлди. Пухта тузилган режага мувофиқ, шу мақсад учун қисқа муддатда 1000 дан ортиқ фуқароларга 1,0 млрд. сўмга яқин кредит ажратдик.

— **Ғаллачилик ва пахтачилик билан шуғулланаётган деҳқонларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида Халқ банки қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Пахта ва ғалла етиштиришни молиялаш учун етарли миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Хусусан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пахта ва ғалла етиштиришларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 500 га яқин фермер хўжалигига бир млрд. сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Бугунги кунда улар барқарор фаолият кўрсатиб, банкдан олган қарзларини ўз вақтида қайтармоқдалар.

— **Халқ банкининг Андижон вилояти филиаллари тизимда биринчилардан бўлиб нафақа ва ёрдам пулларини «сайёр касса»лар орқали тарқатишни ташкил этган эди. Хизмат кўрсатишнинг бу янги тури қай даражада самара бермоқда?**

— Нафақа ва ёрдам пулларини олувчи фуқароларнинг вақтини тежаш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида шу иш услубини жорий этганмиз. Дастлаб жорий йилнинг апрелида банкнинг «Жалақудуқ» филиалида уни тажриба сифатида синовдан ўтказдик. Ўтган давр мобайнида кексалар, кўп болали оналарга нафақа ва ёрдам пулларини беришнинг аниқ кун, ҳатто соатларигача белгилаб, шу асосда иш тартибини ишлаб чиқдик.

Эндиликда Халқ банки ва маҳалла фаоллари ҳамкорлигида яратилган бу қулайлик ва имкониятдан ҳамма баҳраманд бўлмоқда. Чунки ижтимоий тўловлар мавжуд маҳалла гузарларидаги махсус жойларда Халқ банки ходимлари томонидан, олдиндан келишилган график асосида, барча «сайёр кассалар» орқали тарқатилаётир. Бу ўз самарасини бермоқда. Чунончи ҳар ойда ўртача 2,5 млрд. сўмга яқин нафақа ва ёрдам пуллари 20 кун ичида ўз эгаларига етказиб берилмоқда.

— **Коммунал тўловлар — табиий газ, электр қуввати ва тоза ичимлик суви тўловларини ундириш масаласи қандай ҳал этилмоқда?**

— Шу кунгача бизнинг банкимиз бўлимлари кассаларига тушаётган нақд пул миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 2-3 баробар ошди. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бугунги кунда нақд пул бўйича муаммо йўқ. Энг асосийси, биз мижозлар олдидаги мажбуриятларимизни ўз вақтида бажариб келаяпмиз.

Ҳа, тезкорлик, аниқлик, пухталик билан иш юритаётган Халқ банкининг Андижон вилояти бошқармаси жамоаси иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, олис қишлоқларга ҳам саноатни олиб кириш, кичик бизнес ривожи, маҳалла ва гузарларни ободонлаштириш мақсадларига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мижозларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

«Халқ сўзи» мухбири Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ суҳбатлашди.

ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

19-модда. Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Микрокредит ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

20-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

21-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 20 сентябрь
№ ЎРҚ — 53

12

Буклаш чизиғи

ни шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Микрокредит ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

7-модда. Микрокредит ташкилотининг фирма номи ва муҳри

Микрокредит ташкилотининг фирма номида "микрокредит ташкилоти" сўз бирикмаси ифодаланиши ва мазкур ном бошқа микрокредит ташкилотларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида "микрокредит ташкилоти" сўз бирикмасидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Микрокредит ташкилоти ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган муҳрига эга бўлиши керак. Муҳрда айни вақтнинг ўзида фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Микрокредит ташкилоти ўз номи ёзилган штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақлидир.

8-модда. Микрокредит ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Микрокредит ташкилотлари қонун ҳужжат-

5

Қирқиш чизиғи

5-модда. Микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатлари

Микрокредит ташкилоти таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади.

Микрокредит ташкилотининг таъсис ҳужжатларида муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги;

бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисидаги;

микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларни шакллантириш манбалари тўғрисидаги;

микрокредит ташкилотида аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги.

6-модда. Микрокредит ташкилотининг устав фонди

Микрокредит ташкилотининг устав фонди пул маблағларидан, шунингдек мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилади.

Микрокредит ташкилотининг устав фонди-

4

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

"Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2006 йил

2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Яна, педиатр-профессорнинг далолатига кўра, инсон саломатлигининг 5-7 фоизигина тиббиётга боғлиқ, қолгани ижтимоий ҳолатдир. Яъни, атроф-муҳит мусаффолиги, турмуш тарзи, рўзғор, меҳнат ва ҳоказолар. Булар бари, биламизки, инсон саломатлигига ижобий-салбий таъсир кўрсатадиган омиллардир. Булардан келиб чиқадиган ҳаммамизга маълум ҳақиқат шуки — ҳар бир одамнинг соғлиги унинг ўз қўлида.

БОЛА СОҒЛОМ БЎЛИШИ УЧУН

она соғлом бўлиши керак, — дейди профессор Султонов

Профессор Ҳабибулла Қудратович пойтахтнинг Учтепа туманидаги «Она ва бола» маркази директори, катта жамоага кўп йиллардан бери раҳбарлик қиладилар. Гап шундаки, шифо масканида жамоани бошқарув қобилиятининг даражаси бевосита мазкур муассасадаги шифо-даво даражасига, савиясига таъсир кўрсатади. Натижалар ҳақида гапирадиган бўлсак, тиббиёт маркази хизмат кўрсатадиган асосий ҳудудда болалар ўлими кўрсаткичи йил сайин пасайиб бормоқда. Шугина эмас. Шифохонада бемор фарзандини олиб ётган оналар билан суҳбатда ҳам, атроф мавзеларда ҳам болалар касалликлари ҳақида гап кетганида мазкур даргоҳ номига илиқ гапларни эшитасиз. Албатта, бу миннатдорчиликлар, биринчи навбатда, кўп сонли шифокорларнинг иқтидори, тажрибаси, ҳамшираларнинг тиниб-тинчимас меҳнати-ю ширин муомаласига нисбатан айтилади. Муқим соматика бўлими мудири Дилором Юсупова, тажрибали шифокорлар Махсума Зияева, Нодира Толипова, директор ўринбосари Муқаддас Сафоева, жонлантириш бўлими мудири Матёқуб Эшонқулов, қўли енгил ҳамширалар Дилфуза Хўжаева, Ҳалима Толипова, Гулноза Усмонова, Дилбар Қодирова ва бошқалар кечани кеча, кундузни кундуз демай, бемор ўғил-қизларнинг тезроқ соғайиб кетиши учун жон куйдирадиганлар қаторида тилга олинади. Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин — шифохонада жами 78 нафар шифокор ва 276 нафар ҳамшира хизмат қилади.

«Она ва бола» марказининг оддий шифохоналардан фарқи — фаолиятининг кенглиги. Бу ерда касалликни текширадиган-ташхис қўядиган, даволайдиган ҳамма турдаги тиббиёт аппаратлари мавжуд. Шунингдек, тумандаги 8 та оилавий поликлиниканинг терапевт-шифокорларини педиатрия — болалар хасталиклари бўйича ўқитиб берилди. Оилавий шифокор педиатр ҳам бўлиши керак-да. Албатта, бир неча ой ўқиб етук педиатр бўлолмайди, шунинг учун улар сутканинг истаган соатида зарур бўлганда маслаҳат билан марказга мурожаат қилади ва телефон орқалими, келибми, малакали ёрдам олишади. Яна, болаларни ўз вақтида эмлашни ўтказишга кўмаклашилади, хавф гуруҳидаги — нуқсонли туғилган, кўп касал бўладиган болаларни поликлиникада эмлаш хавфли бўлгани учун бу ерда уч кун ётқизиб эмланади.

Нуқсонли ёки қийинчилик билан туғилган болалар туғруқхонадан тўғри бу ерга келтирилиб, соғлиги тиклангандан сўнг жавоб берилади. Яна, шифо маркази Низомида гарчи у пойтахтдаги тўрт туман аҳолисига хизмат кўрсатиши белгиланган бўлсада, бу ерда нажот истаб келган ҳеч бир беморга рад этилмайди, қабул қилинади, хуллас, палаталарда бошқа вилоятлардан келиб даволанаётганларни ҳам кўриш мумкин.

Марказда 11 та клиникавий бўлимлар мавжудлигининг ўзи унинг фаолият доираси нечоғли кенглигини кўрсатади. Айримлари: гўдак болалар (1 ёшгача) патологияси бўлими, меҳр-мурувват бўлими (кам таъминланган, етим, ногирон болаларга 4 маҳал овқат берилиб парваришланади), чала туғилган ва янги туғилган болалар патологияси бўлими, оналар учун гастроэнтрология ва нефрология бўлими.

Даволаш бепул. Давлат томонидан кафолатланган. Мустақилликнинг 15 йиллик байрами кунлари ҳам, табиийки, барча шифокор ва ҳамширалар ўз иш жойларида хизмат қилишди. Ҳамма бўлимларда «Мустақиллик бизга нима берди?» мавзуида суҳбатлар ўтказилди, бу ерда ишлаб нафақага чиқиб кетганларнинг уйига йўқлаб борилди, тантанали йиғилиш ўтказиб жамоа табрикланди. Яна бир илиқ воқеа шуки, бу йил бошида марказ раҳбарини олтмиш ёшли юбилейи билан табриклашибди. Кўринишдан эллиқдан ошмаган Ҳабибулла Қудратович 40 ёшида профессор бўлган ва ўшанда — 1986 йили Москвада, Фанлар академиясининг педиатрия илмий-текшириш институтида докторлик диссертациясини ёқлаган, ундан икки йил олдин эса стофилакок инфекциясини тезкор тасдиқлаш усулини ишлаб чиқиб, ихтиро муаллифи бўлган. 1993 йилда чоп этилган ва ҳозиргача Ўзбекистонда ягона, ҳажми 10 босма табоқдан ортиқроқ «Болалар касалликлари» китобининг муаллифи. У киши саволимизга жавобан мукофотларини санаркан, «мен учун энг катта мукофот ўлим тўшагида ётган битта гўдакнинг ҳаётга қайтиши» дедилар... Ҳа, раҳбарнинг атрофидагилар айтишича, «домла ҳар куни эрталаб соат олтида ишга келиб, саккизгача палаталарда оғир бемор болаларни кўриб чиқадилар».

Бу «кўрсаткичлар»нинг барчаси қўшилиб, улкан шифо масканининг муваффақиятини таъминлаяпти, чоғи.

— Домла, профессорнинг гапини айтинг: бола соғлом бўлиши учун нима қилиш керак?

— Аввало она соғлом бўлиши керак, сўнг ота, — дейди у киши. — Олмадан олма, нокдан нок бунёдга келади.

Ҳа, оддий ва улуғ ҳақиқат...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

СУРАТДА: профессор Ҳабибулла Султонов ва шифокорлар беморнинг ташхисини аниқлашмоқда.

«Қалб меҳри» кўмакка шай

Наманганда республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамкорлигида аёллар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази иш бошлади. «Қалб меҳри» деб номланган мазкур марказ низомидан аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оилада соғлом маънавий-руҳий муҳитни йўлга қўйишни тарғиб этиш сингари долзарб вазифалар ўрин олган.

Намангандаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида жойлашган марказга ташриф буюрган аёллар бу ерда фаолият кўрсатаётган мутахассислардан тегишли маслаҳат ва амалий ёрдам олишлари учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё.

Қ.НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«DQS QUALITY SYSTEMS» компанияси сертификация бўйича немис **DQS GmbH** органининг расмий ҳамкори ҳамда вакили сифатида қуйидаги хизматларни таклиф қилади:

- бошқарув тизимини ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, ISO 22000, HACCP, GMP ва бошқа стандартлар бўйича сертификациядан ўтказиш;
- лабораторияларни ИСО 17025 стандарти бўйича аккредитацияга DAP орқали тайёрлаш (аккредитация бўйича немис органи);
- Европа стандартлари IFS/BRC бўйича маҳсулотларни сертификациядан ўтказиш;
- тиббий жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналар бошқарув тизимини EN13485/88 бўйича сертификатдан ўтказиш;
- турли мутахассисликлар бўйича ишчилар квалификациясини сертификациялаш;
- ISO/IEC 27001 сифат менежмент тизими стандарти бўйича маълумотлар хавфсизлигини сертификациядан ўтказиш;
- юқорида кўрсатилган стандартлар бўйича ўқитиш.

DQS GmbHнинг ташкилотчилари ва акционерлари:
DIN — стандартлаштириш бўйича немис институти;
DGQ — сифат бўйича немис жамияти.
Манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 75-уй, 7-қават, «ИНКОНЕЛЬ» бизнес-маркази.
Тел./факс: 120-30-92, 120-30-91, 404-59-90.
E-mail: Alaudinov_D.dqs@mail.ru
http: //www.dqs.de

Компания мижозлари:
Daimler Chrysler AG, Siemens, Henkel, Lufthansa, Porsche, Barilla, Degussa, Kraft Foods, Commerzbank, KPMG, 3M, «UZEXIDE» ҚК, УКК «Муборакнефтегаз», «Hobas TAPO» ҚК ва бошқалар, 30 мингдан ортиқ сертификатлар.

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

MANAGEMENT CONSULTING
Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш
ISO 9001
Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.
Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.
Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиши» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ГАТ-Реестр» МЧЖ
- «Vinlad» ИИК ва бошқалар.
Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 340-54-27.
Факс: (+99871) 132-20-83.
e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши меҳнат фахрийси

Воҳид ШУКУРОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзтранссаноат» республика ассоциациясининг 1-автосозлаш заводи жамоаси собиқ «Ўзавторемонт» республика бирлашмасининг директори

Жалол Яхъяевич МАҲМУДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси жамоаси бош мутахассис Зафарбек Ҳакимович Джалиловга ўғли

Улуғбек ДЖАЛИЛОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси Адабий алоқалар ва таржима назарияси бўлими катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Гулноз Сатторовага онаси

Моҳия САТТОРОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк» жамоаси банк ходими Атабаев Эркин Мирзаевичга падари бузруквори

МИРЗА отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Навоий вилояти Адлия бошқармаси томонидан «Аква Тудакул» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси номига 2004 йил 15 январда берилган рестрдаги тартиб рақами №25, № 0000049 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6